

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2020 йил 11 ноябрь

Қува тумани.

Жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди,
раислик қилувчи З.Омонов,
С.Исроилов котиблигида,
Қува тумани прокурори катта ёрдамчиси Н.Нишонов,
жабрланувчи Х.Холикова қатнашувида,
Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган,

Ботирова Мавлудахон Набижонова (Botirova Mavluda Nabijonovna), 1981 йил 9 январь куни Қува туманида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Қува тумани Тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлимида навбатчи санитарка, оиласидан ажрашган, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, мукаддам ЖИБ Қува тумани судининг 2006 йил 11 октябрь кунги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “б” банди билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, Қува тумани, “Чилон” МФЙ, Янги чек кўча рақамсиз уйда яшайди, 2020 йил 15 сентябрь куни “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 20 сентябрь куни олганга оид, 1-1511-2001/130-сонли жиноят ишини Қува тумани суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охирги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Ботирова Мавлудахон ўзганинг мулкани компьютер тизимига рухсатсиз кириб, яширин равишда талон-торож қилиб, ўғирлик жиноятини содир этган.

Жумладан, судланувчи Ботирова Мавлудахон 2020 йил 10 август куни жабрланувчи Х.Холикованинг “Миллий банк”га тегишли 8600 0201 9333 4070 рақамли пластик картаси паролени аввалдан билгани холда, унинг сумкасидан пластик картасини яширин равишда ўғирлаб олган ва Қува тумани автошоҳбекатидаги “Far Aloqa Plus” номли “Paynet” шаҳобчасига келиб, ушбу шаҳобча ишчиси А.Рахмоновга пластик карта ўзига тегишли экани ва унинг паролени айтиб, терминал аппарати ёрдамида жабрланувчи Х.Холиковага тегишли бўлган 650.000 сўм пулларни нақдлаштириб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.



Судланувчи Ботирова Мавлудахон судда ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ўзи Қува тумани Тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлимида навбатчи санитарка сифатида 2017 йилдан буён ишлаб келиши, 2020 йил 27 июлдан 2020 йил 10 августга қадар “Бегат” МФЙдаги карантин шифохонасида ёпиқ режимда ишлагани, у ерда Х.Холикова, А.Курбанова, Х.Холикова, О.Абдуганиева, М.Дехконова, Д.Тўлаганова ва Х.Мамажонова билан битта хонада яшагани, 2020 йил 10 август куни яшаш хонадонига кетаётганида жабрланувчи Х.Холикованинг сумкасида пластик картасини ўғирлаб олиб, Қува туманидаги автошоҳбекда жойлашган “Paynet” шахобчасига бориб, А.Рахмоновга пластик картани ўзига тегишли экани ва паролни айтиб, терминал аппарати ёрдамида пластик картадаги 650.000 сўм пулларни нақдлаштириб олиб, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаганини, ҳозирда ўзи содир этган қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, Х.Холиковага етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганини баён этиб, суддан енгиллик берилишини илтимос қилди.

Жабрланувчи Холикова Хавасхон судда кўрсатув бериб, ўзи Қува тумани Тиббиёт бирлашмасига қаршли “Юқумли касаллик бўлимида навбатчи санитарка бўлиб 2015 йилдан буён ишлаб келиши, Қува тумани “Бегат” МФЙдаги карантин шифохонасига навбатчиликка бориб, 2020 йил 10 август кунига қадар ишлагани, ўша куни тушликдан кейин яшаш хонадонига келганида пластик картаси йўқлигини билгани, эртаси куни Қува туманидаги “Миллий банк”га бориб картасини текширганда 5 августда ойлик иш ҳақи тушгани, 2020 йил 10 август куни соат 10³⁰да пластик картадаги жами 650.000 сўм пуллар терминал орқали ечиб олинганини билгани ва ИИБга ариза ёзганини, ҳозирда судланувчи етказилган моддий зарарларни қоплагани, ўзининг унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, суддан М.Ботировага енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Рахмонов Азизбек судда берган кўрсатувида, ўзи 2019 йил охиридан буён Қува туманидаги “Far Aloqa Plus” номли “Paynet” шахобчасида ишлаши, фаолияти уяли алоқа воситаларига хизмат кўрсатиш, турли тўловларни амалга оширишга йўналтирилгани, 2020 йил 10 август куни иш жойида бўлган вақтда судланувчи М.Ботирова келиб, унга пластик картадаги пулларни миқдорини билиб, уларни нақдлаштириб беришини сўрагани, ўзи у айтган паролни териб картада 650.800 сўм миқдорида пул маблағлари борлигини ва 2 % “Paynet” хизмати ҳаққини ушлаб қолиб, М.Ботировага 637.000 сўм миқдорида нақд пулларни берганини, ўзи ушбу пластик карта М.Ботированики деб ўйлаганини баён этди.

Судланувчи М.Ботированинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган кузатув камерасидан видео ёзувларни олиш, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари ва уларга қилинган фотосуратлар, “Миллий банк” Қува тумани филиалининг маълумотномаси, М.Ботированинг кўрсатувларни, ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.



Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Ботированинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, М.Ботирова ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, компьютер тизимига рухсатсиз кириб, жабрланувчи Х.Холикованинг пластик картасига уланиб, картадаги 650.000 сўм пулларни терминал аппарати ва “Раунет” хизмати ёрдамида ечиб олиб ўғирлаган.

Суд, судланувчи М.Ботировага жазо тури ва уни миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрор ва ундан пушаймонлиги, етказилган иоддий зарарни тўлиқ қоплгани, ёлғиз аёл экани ва қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”- деб баён этилган раҳбарий кўрсатувиغا амал қилиб, судланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Ботирова Мавлудахон Набижоновна (Botirova Mavluda Nabijonovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Ботирова Мавлудахонга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан, ЖК 57-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат фойдасига ундирган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони ижро этиш Қува тумани ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин. Жазони ўташ муддати маҳкум пробация гуруҳи томонидан ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин. Жазо судланувчининг ўз иш жойида ўтаттирилсин.



Судланувчи М.Ботировага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Х.Холиковага етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

З.Омонов

